



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Марказий банкнинг 2025-2026
йилларга мўлжалланган

ТАДҚИҚОТЛАР ДАСТУРИ

Тадқиқот дастурининг асосий йўналишлари

Кириш	
Йўналиш	I
Йўналиш	II
Йўналиш	III
Йўналиш	IV
Йўналиш	V
Йўналиш	VI

I

Монетар сиёсатнинг трансмиссия механизmlари самарадорлигини ошириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутималари таҳлили

II

Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат самарадорлигини баҳолаб бориш

III

Молиявий барқарорлик, макропруденциал сиёсат чораларини таҳлил қилиб бориш

IV

Глобал иқтисодиётдаги янги феноменлар (демографик ўзгаришлар, геосиёсий ҳолат ҳамда фрагментация жараёнлари) таъсирини баҳолаш

V

Тўлов тизимлари иштирокчилари ҳамда янги хизмат турлари кенгайиб бораётган шароитда тизимнинг барқорор ишлашини таъминлаш

VI

Микро даражадаги маълумотлар асосида иқтисодиётда молиялаштиришга бўлган талаб ва таклифни таҳлил қилиш

КИРИШ

Марказий банкнинг тадқиқотларга асосланган иқтисодий қарорлар қабул қилиш заруриятидан келиб чиқиб, келгуси икки йилда ўтказилиши режалаштирилаётган тадқиқотларда асосий эътибор инфляцияга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиб бориш, аҳоли ва бизнес субъектларининг инфляцион кутилмаларини таҳлил қилиш, мамлакатда молиявий барқарорликни таъминлаш, тўлов тизимлари иштирокчиларининг ортиши ва кенгайиб бориши шароитида тизим барқарорлигини таъминлаш билан бир қаторда, ички ва ташқи иқтисодий жараёнларга оид масалаларга қаратилади.

Мазкур тадқиқот натижалари, ўз навбатида, иқтисодий моделларни қуриш, самарали иқтисодий қарорларни қабул қилиш ҳамда ички ва ташқи иқтисодий жараёнларни чуқур таҳлил қилиб бориш, глобал янги феноменлар кириб келиши шароитида юзага келиши мумкин бўлган хатарларни баҳолаб бориш ва уларни минималлаштириш чораларини кўриш имконини беради.

Ҳар бир йўналишдаги илмий изланишларимиз орқали асослантирилган хулосалар бизга ўзаро таъсирларнинг сабаб ва оқибатларини иқтисодий жиҳатдан чуқурроқ тушунишга ва ўз вазифамизни бажариш учун тўғри қарорлар қабул қилишга ёрдам беради.

Мазкур тадқиқот йўналишларида таъкидланган асосий ғоя шундаки, тадқиқот дастури нафақат иқтисодий ва молиявий соҳалардаги ўзгаришлар билан, балки анъанавий воситалар ҳар доим ҳам барча саволларга жавоб бера олмаслигига бўлган ишонч билан бошқарилади. Иқлим ўзгариши ва яқинда юз берган Covid-19 пандемияси, жаҳонда кузатилаётган геосиёсий нобарқарорлик ва кескинлашув жараёнлари тадқиқот дастурини қайта шакллантирадиган янги омилларни ёрқин мисол сифатида кўрсатади. Бизнинг таҳлилий воситалар тўпламимизда янги, анъанавий ва ностандарт ёндашувлар бирдек аҳамиятли бўлиб қолади.

Таъкидлаш жоизки, ушбу ҳужжатда келтирилган тадқиқот мавзулари банкда олиб бориладиган барча тадқиқотларнинг тўлиқ рўйхати эмас. Бунда марказий банклар тадқиқотлари учун янги йўналишларни белгилайдиган асосий мавзулар қамраб олинган бўлиб, булар анъанавий марказий банк тадқиқот йўналишлари билан бир қаторда давом этади ва ўз аҳамиятини сақлаб қолади.

Кириш

Йўналиш	I
Йўналиш	II
Йўналиш	III
Йўналиш	IV
Йўналиш	V

Мұхим макроиқтисодий жараёнларга боғлиқ мавзулар доирасыда амалга оширилган тадқиқотлар халқаро нұфузли журналларда чоп этилиб, Марказий банк ёки бошқа маҳаллий ва халқаро даражада ташкил этиладиган конференциялар, семинарларда тақдимот тарзидаги иштироки таъминланади.

Шунингдек, хорижий университет ва тадқиқот институтлари билан биргаликдаги тадқиқотларни олиб бориш бүйічә ҳамкорлик ишлари ҳам такомиллаштириб борилади. Биз тадқиқотлардаги күн тартибимизни очиқ әълон қилиш орқали маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар билан ҳамкорликни кучайтиришни мақсад қиласыз. Банқдан ташқарыда фаолият олиб бораётган юқори салоҳият ва тажрибага эга академик доиралар ва кенг тадқиқот жамиятыдан билим ва тажриба олишни истаймиз.

Бундан ташқари, тадқиқот натижалари Марказий банкнинг расмий ижтимоий тармоқлари, шу жумладан, Марказий банк расмий сайтынинг тадқиқотлар бүлимида әълон қилиб борилади. Ҳар йил якуни бүйічә амалга оширилган тадқиқотлар ҳамда бошқа таҳлиллар түғрисида йиллик ҳисоботлар тайёрланади ва кенг жамоатчиликка тақдим этилади.

Бизнинг мустақиллик, очиқлик ва фикрлар хилма-хиллигига бўлган садоқатимиз аввалгидек сақланиб қолади ва келгуси йилларда тадқиқот ишларимиз ички ва ташқи қарашларга, шунингдек, танқидий нуқтаи назардан хилма-хил фикрларни шакллантиришда давом этади.

Кириш

Йўналиш	I
Йўналиш	II
Йўналиш	III
Йўналиш	IV
Йўналиш	V
Йўналиш	VI

Кириш	
Йўналиш	I
Йўналиш	II
Йўналиш	III
Йўналиш	IV
Йўналиш	V
Йўналиш	VI

I. Монетар сиёсатнинг трансмиссия механизmlари самарадорлигини ошириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари таҳлили

1.1. Товар ва хизматлар нархини белгилашда тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳисобга олинадиган омиллар таҳлили

Тадбиркорлик субъектлари томонидан нарх белгилаш қарорлари бозорнинг барқарорлиги ва инфляцион жараёнларга сезиларли таъсир кўрсатади. Нархларнинг шаклланишида қандай омиллар инобатга олиниши тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолиятига ва аҳолининг харид қобилиятига бевосита таъсир қиласди.

Товарларнинг нархлари ўзгариш частотасига кўра сезиларли даражада фарқланиб, баъзи товарлар нархлари ҳар ойда ўзгарадиган бўлса, бошқа товарлар нархлари йилига бир марта ўзгаради. Ушбу нарх ўзгариши давомийлигидаги фарқлар ҳар бир товар ва хизматлар нархлари ўзгариши натижасида ҳосил бўладиган мультипликатор эфектини турли даражада шаклланишига олиб келади.

Ҳар бир товар ва хизматлар нархларининг ўзгариши умумий нархлар ўзгаришидан фарқ қиласди бунга асосий сабаб, товар ва хизматлар нархларига таъсир этувчи умумий макро даражадаги омиллардан ташқари индивидуал омилларнинг мавжудлиги ҳисобланади.

Шунингдек, нархлар ўзгаришлари иш ҳақи ўзгаришлари билан ҳам боғлиқ бўлиб, айниқса, ишчи кучи кўп талаб қилинадиган соҳаларда корхоналар томонидан товар ва хизматлар нархларининг ўзгартирилиши мухим аҳамият касб этади.

Нарх белгилашдаги асосий тенденцияларни ва уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш мухимлигидан келиб чиқиб, товар ва хизматлар нархларининг ўзгарувчанлигини таҳлил қилиш макроиқтисодий сиёсатнинг аниқ ва самарали ишлашини таъминлайди.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларининг нарх белгилашдаги қарорлари иқтисодиётдаги бозор механизмларининг самарадорлигини тушунишда мухим аҳамиятга эга. Бу эса, ўз навбатида, бозор иштирокчилари учун барқарор стратегиялар ишлаб чиқишига ёрдам беради.

Нарх белгилашга таъсир этувчи омилларни эмпирик ва назарий таҳлил қилиш орқали иқтисодий сиёсатни такомиллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилиб, ички бозор барқарорлигини таъминлаш бўйича мақсадларни самарали амалга оширишда қўллаб-қувватловчи омил бўлиб хизмат қиласди.

1.2. Монетар сиёсатнинг жорий иқтисодий жараёнларга таъсирини баҳолаш

Бугунги кундаги ноаниқликлар кучайган шароитда монетар сиёсат иқтисодий барқарорликни таъминлашда асосий воситалардан бири эканлигидан келиб чиқиб, ўрта муддатли даврда монетар сиёсатнинг макроиқтисодий ривожланишга таъсири турли сценарийлар асосида доимий баҳолаб борилиши заруратини оширади.

Бу эса, ўз навбатида, чукӯр тадқиқотларга асосланган таҳлиллар ўтказилишини ва шу орқали жорий иқтисодий шароитларда оптимал қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Бунда, мамлакатнинг барқарор ривожланишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи ижтимоий-иқтисодий сиёсат ва амалга оширилаётган пул-кредит сиёсати ўртасидаги боғлиқлик тадқиқотларимизнинг муҳим обьектларидан бири бўлади. Чунки, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги муаммоларни ҳал қилиш, ўз навбатида, аҳоли фаровонлигини таъминлаб, пул-кредит сиёсати таъсирчанлигини оширади.

Монетар сиёсат чоралари иқтисодиётга, хусусан ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат бозори кўрсаткичларига иқтисодиётнинг ҳолатига қараб турли даражада таъсир ўтказиши мумкин. Яъни, марказий банк фоиз ставкаси ўзгартирилиши иқтисодиётга унинг қизиш фазасидаги таъсири репрессия ҳолатидаги таъсиридан фарқланиши мумкин.

Бундан ташқари, фоиз ставкаларини пасайтириш талабни ошириши, лекин ставкаларнинг кўтарилиши ҳар доим ҳам иқтисодий фаолликни секинлаштирмаслиги ва аксинча бўлиши ҳам мумкин. Мазкур ҳолатда монетар сиёсатдаги ўзгаришларга иқтисодий агентларнинг реакцияларини тушуниш ва таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади.

Шунингдек, иқтисодиёт тармоқларидаги реакциялар ҳам ўзаро фарқланиши мумкин, яъни молиявий сектор тезроқ жавоб берса, реал сектор секинроқ мослашиши мумкин. Уй хўжаликлари ва корхоналарда фоиз ставкаларининг таъсири турлича бўлиб, кичик бизнес ва паст даромадли оиласалар нисбатан таъсирчан ҳисобланади.

Монетар сиёсатнинг жорий иқтисодий жараёнларга таъсирини ўрганиш орқали нархлар барқарорлигига эришиш, иқтисодий фаолликни рағбатлантириш ва барқарор ривожланишни таъминлаш учун самарали чоралар ишлаб чиқиш мақсадида ушбу йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилиши зарур.

Кириш

Йўналиш	I
Йўналиш	II
Йўналиш	III
Йўналиш	IV
Йўналиш	V
Йўналиш	VI

Кириш	
Йўналиш	I
Йўналиш	II
Йўналиш	III
Йўналиш	IV
Йўналиш	V
Йўналиш	VI

1.3. Жорий фискал сиёсатнинг монетар сиёсат трансмиссияси, молия бозорлари ва молиявий барқарорликка таъсири

Келгуси йилларда жорий фискал сиёсатнинг монетар сиёсат трансмиссияси, молия бозорлари ва молиявий барқарорликка таъсирини ўрганиш Марказий банкнинг муҳим тадқиқот йўналишларидан бири бўлиб қолади. Ушбу масалалар давлатнинг иқтисодий сиёсат чораларининг самарадорлигини ошириш ва макроиктисодий барқарорликни таъминлаш учун зарур бўлиб, фискал сиёсатнинг солиқ, давлат харажатлари ва ташқи қарз жалб қилиш каби воситалари орқали иқтисодиётга таъсири бевосита монетар сиёсат трансмиссион механизмлари самарадорлигига таъсир кўрсатади.

Давлат харажатларининг ортиши ички талабни ошириши ва инфляцион босимни кучайтириши мумкин, бу эса монетар сиёсатни қатъийлаштирилишига олиб келади. Шу сабабли, фискал ва монетар сиёсатнинг узвий боғлиқлиги ва ўзаро трансмиссия механизmlарини чуқур ўрганиш иқтисодий сиёсатнинг умумий ўйғулигини таъминлашда муҳим саналади.

Фискал сиёсатнинг молия бозорлари ва молиявий барқарорликка таъсири ҳам муҳим аҳамият касб этади. Давлат қарзининг ҳажми ва уни молиялаштириш механизmlари молия бозорлари учун асосий омиллардан бири сифатида давлат қарзининг ўсиши капитал бозорида ликвидликни камайтириши ёки фоиз ставкаларини ошириши мумкин, бу эса хусусий секторга салбий таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга, давлат бюджети дефицитининг белгиланган параметрлардан ошириши инвесторларнинг қарорларига бевосита таъсир қилиб, молиявий тизимда хавф-хатарларни юзага келтириши мумкин. Марказий банк ушбу жараёнларни таҳлил қилиш ва фискал сиёсатнинг молия бозорларига таъсирини ўрганиш бўйича олиб борадиган тадқиқотлари орқали барқарорликни таъминлашга қаратилган чораларни амалга оширади.

Бундан ташқари, дефицитнинг кенгайиши молиявий бозорларда давлат облигацияларига талабни ошириши ва хусусий сектор инвестицияларини чеклаши мумкин. Марказий банк бу ҳолатда фоиз ставкаларини назорат қилиш ва ликвидликни бошқариш орқали иқтисодий фаолиятни қўллаб-қувватлади.

Шу нуқтаи назардан, фискал сиёсатдаги номутаносибликлар таъсири олиб бориладиган тадқиқот ва таҳлиллар асосида инобатга олинмаса, бу иқтисодий нобарқарорликни кучайтириши ва монетар сиёсат трансмиссион механизмлари самарадорлигини пасайтириши мумкин. Шу сабабли, фискал сиёсатнинг молиявий тизимга таъсирини чуқур ўрганиш ва унинг хавфларини аниқлаш, уларга қарши таъсир чораларини ишлаб чиқиши жараёнларида Марказий банкнинг бу йўналишдаги тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, Марказий банкнинг бу йўналишдаги тадқиқотлари иқтисодий сиёсат чораларининг оптималь ўйғунонлигини таъминлаш, макроиқтисодий барқарорликни ошириш ва иқтисодий фаолликни рағбатлантириш учун зарурдир. Ушбу тадқиқотлар натижасида фискал ва монетар сиёсатнинг бир-бирига мувофиқлигини ошириш ва иқтисодий жараёнларни самарали бошқариш, узоқ муддатли иқтисодий ривожланишни таъминлаш имконияти яратилади.

Кириш

Йўналиш	I
Йўналиш	II
Йўналиш	III
Йўналиш	IV
Йўналиш	V
Йўналиш	VI

Ушбу бўлимда қўйидаги тадқиқот мавзулари қамраб олинади:

- ❑ Тадбиркорлик субъектларининг нарх белгилаш қарорларига таъсир қилувчи иқтисодий ва институционал омиллар таҳлили
- ❑ Пул-кредит сиёсатининг асимметрик таъсирини баҳолаш
- ❑ Инфляциянинг даромадлар нотенглигига таъсири
- ❑ Асосий фоиз ставкасидан депозит ва кредит фоиз ставкаларига ўтиш жараёнига (*pass-through*) таъсир этувчи омиллар
- ❑ Депозит ва кредит фоиз ставкаларининг инфляцияга динамик таъсирини баҳолаш
- ❑ Ўзбекистон пул-кредит сиёсатининг трансмиссия механизмида валюта каналининг ўрни ва аҳамияти
- ❑ ЯИМ дефляторини прогноз қилиш ва унинг бошқа нарх кўрсаткичлари билан боғлиқлигини миқдорий баҳолаш
- ❑ Ўзбекистон иқтисодиёти учун узоқ муддатли мувозанатли оптimal кредит ўсиш даражасини баҳолаш

- Инфляцион кутилмалар ва фоиз ставкаларининг якуний истеъмолга таъсири таҳлили
- Фискал сиёсатнинг пул-кредит сиёсати трансмиссион механизmlарига таъсирини баҳолаш
- Долларлашув шароитида пул-кредит сиёсати трансмиссион механизмини баҳолаш
- Ўзбекистон иқтисодиёти учун Балассо-Самуэлсон таъсирини баҳолаш

Кириш

Йўналиш	I
Йўналиш	II
Йўналиш	III
Йўналиш	IV
Йўналиш	V
Йўналиш	VI

II. Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат самарадорлигини баҳолаб бориш

2.1. Математик ва миқдорий баҳолашга асосланган асосий фундаментал масалаларга оид таҳлилларни амалга ошириш

Математик ва миқдорий баҳолашга асосланган фундаментал масалаларга оид таҳлиллар мураккаб иқтисодий жараёнларни аниқроқ тушуниш, қарор қабул қилишда ишончли маълумотларни тақдим этиш ва иқтисодий сиёсат чораларини оптималлаштиришда муҳим восита ҳисобланади.

Математик моделлаштириш инфляция, фоиз ставкалари ва иқтисодий ўсиш каби асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини чуқур таҳлил қилиш имконини берса, миқдорий таҳлиллар эса турли иқтисодий сценарийларни баҳолаш ва иқтисодиётдаги хавфхатарларни олдиндан аниқлашга ёрдам беради.

Бунда, DSGE модели ва Миқдорий интеграциялашган сиёсат таҳлили (Quatitative Integrated Policy Analysis) Марказий банкнинг иқтисодий сиёсатни баҳолашдаги асосий воситаларидан ҳисобланади. DSGE модели иқтисодий тизимдаги ўзаро боғлиқ жараёнларни математик моделлаштириш орқали турли сиёсат чораларининг иқтисодиётга узоқ ва қисқа муддатли таъсирини таҳлил қилиш имконини беради.

Миқдорий интеграциялашган сиёсат таҳлили эса иқтисодий, ижтимоий ва экологик омилларни биргаликда таҳлил қилишга имкон беради. Ушбу ёндашув турли иқтисодий сиёсат чораларини интеграциялашган ҳолда баҳолаб, уларнинг иқтисодий ривожланиш ва барқарорликка таъсирини ўрганади. Бу эса, ўз навбатида, сиёсат чоралари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш ва ресурслардан самарали фойдаланишни ташкил қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Марказий банкнинг DSGE ва миқдорий интеграциялашган сиёсат таҳлилига асосланган тадқиқотлари иқтисодий сиёсатни стратегик бошқариш ва унинг натижаларини аниқлашда муҳим роль ўйнайди. Ушбу воситалар ёрдамида иқтисодий қарорларнинг қисқа ва узоқ муддатли оқибатлари баҳоланади, бу эса, Марказий банкка аниқ ва асосли сиёсат чоралар ишлаб чиқишига имкон беради.

Бугунги кунда кўп мамлакатлар томонидан DSGE модели ишлаб чиқилаётган бўлиб, ушбу моделлар ёрдамида макроиқтисодий кўрсаткичлар турли шоклар таъсирида қандай ўзгариши ва ушбу ҳолатларда макроиқтисодий сиёсат қандай бўлиши аниқ таҳлиллар асосида баҳолаб борилади.

Кириш

Йўналиш	I
Йўналиш	II
Йўналиш	III
Йўналиш	IV
Йўналиш	V
Йўналиш	VI

Шу билан бирга, ушбу таҳлиллар ёрдамида иқтисодий сиёсат воситаларининг самарадорлигини баҳолаш ва уларнинг иқтисодиётга таъсирини прогноз қилиш мумкин. Марказий банк бу борада олиб борилган таҳлил ва тадқиқотлар асосида иқтисодий сиёсатни шакллантиришда оптимал стратегияларни ишлаб чиқиш бўйича таклифлар тайёрлади.

2.2. Иқтисодий сиёсат самарадорлигини ҳамда салбий оқибатларини умумий мувозанат ҳамда эконометрик моделлар асосида баҳолаб бориш

Ушбу мавзуларга оид таҳлиллар Марказий банк тадқиқотларида алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, умумий мувозанат моделларидан фойдаланиш иқтисодий тизимдаги барча секторларнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш имконини бериб, фискал ва монетар сиёсат чораларининг иқтисодий барқарорликка таъсирини чуқурроқ ўрганиш ва оптимал иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун муҳим восита саналади.

Хусусан, уй-жой қурилиши ва ипотека бозоридаги систематик рискларни таҳлил қилиш ҳамда ижтимоий ҳимоя мақсадида амалга оширилган дастурлар, давлат бюджетидан иқтисодиёт тармоқлари учун ажратилган субсидиялар самарадорлигини баҳолаб бориш мақсадида структуравий ва эконометрик моделлардан фойдаланилади.

Уй-жой нархлари ўзгаришининг макроиқтисодиётга таъсири асосан уй-хўжаликларининг бойлик даражасида ва истеъмол харажатлари ўзгаришида ҳамда меҳнат бозори тенденцияларида ўз аксини топади. Бунда, уй-жой нархларининг пасайиши аҳолининг бойлик даражасига салбий таъсир этиш орқали уларнинг истеъмол ишончини пасайишига ва бунинг натижасида, товар ва хизматларга иккиламчи талабнинг камайишига сабаб бўлади.

Шунингдек, уй-жой нархларининг пасайиши кредит шартларини қатъийлаштириши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, уй-жой нархларининг пасайиши кредит олишда таъминот қийматининг камайишини англашиб билан бирга, банклар ва кредиторларнинг ипотекани молиялаштириш бўйича талабларини, хусусан бошланғич тўлов талабларини оширишга ундейди. Бу эса, потенциал уй-жой сотиб олувларнинг молиявий имкониятларини чеклаш орқали уй-жойга бўлган талабни камайтириши ва нархларнинг янада пасайишига олиб келиши мумкин.

Кириш

Йўналиш	I
Йўналиш	II
Йўналиш	III
Йўналиш	IV
Йўналиш	V
Йўналиш	VI

Давлат бюджетидан ажратиладиган субсидиялар одатда камбағаллик даражасини камайтириш, миллий бойликларни қайта тақсимлаш ёки энергияга үзвий боғлиқ соҳаларни қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодий ривожланишга кўмаклашиш мақсадида ажратилади. Бироқ, субсидиялар ушбу мақсадларга эришишга хизмат қилмаслиги ва барқарор ривожланишнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатларига зарар етказиши мумкин.

Бундан ташқари, субсидиялар инновация ва инвестицияларга рағбатни сусайтириб, самарасиз технологиялар ва истеъмолга бўлган қарашларни ўзгаришларсиз қолдириб, хусусий секторнинг рағобатбардошлигини пасайтириши мумкин. Шунингдек, энергия секторига ажратилган субсидиялар, хусусан, фискал номутаносиблигни ортишига, бошқа самараали давлат инвестицияларини (масалан, соғлиқни сақлаш, таълим ёки транспорт инфратузилмасига инвестицияларни) амалга оширилмаслигига, энергия танқислигига ҳамда ва энергия билан боғлиқ йўқотишларнинг ортишига олиб келиши мумкин.

Кириш	
Йўналиш	I
Йўналиш	II
Йўналиш	III
Йўналиш	IV
Йўналиш	V
Йўналиш	VI

2.3. Сунъий интеллект ва машинали ўқитиш технологиялари асосида макроиқтисодий кўрсатичларга муқобил кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ҳамда янги маълумот манбаларини шакллантириш

Тадқиқотларни амалга оширишнинг муҳим компонентларидан ҳисобланган маълумотлар базасини шакллантириш ва бунда, сунъий интеллект ва машинали ўқитиш технологияларини кенг қўллаш Марказий банкнинг кейинги йиллар учун устувор вазифаларидан бири бўлиб қолади.

Бунда, ташқи ва ички макроиқтисодий жараёнларни муқобил кўрсаткичлар билан баҳолаб бориш мақсадида қўлланиладиган статистик кўрсаткичлар рўйхати такомиллаштирилади, маълумотлар базалари шакллантирилади ва уларни таҳлиллар ҳамда тадқиқотларда кенг қўллаш борасидаги ишларга катта эътибор қаратилади.

Ушбу бўлимда қўйидаги тадқиқот мавзулари қамраб олинади:

- Ўзбекистон иқтисодиёти учун қурилган Динамик стохастик умумий мувозанат моделини (DSGE) стерилизацияланган интервенциялар билан кенгайтириш
- Яширин иқтисодиёт кўламини аниқлаш методологиясини такомиллаштириш
- Уй-жой қурилиши ва ипотека бозоридаги систематик рискларни моделлар асосида баҳолаш
- Солиқ маъмурчилигидағи ўзгаришларнинг кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятига таъсири
- Ижтимоий ҳимоя мақсадида амалга оширилган дастурларини аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини яхшилашдаги самарадорлигини баҳолаб бориш
- Давлат бюджетидан иқтисодиёт тармоқлари учун ажратилган субсидиялар самарадорлиги таҳлили
- Хусусийлаштириш ва ер-мўлкка эгалик қилиш ҳуқуқини бериш бўйича амалга оширилган ислоҳотларнинг иқтисодий самарадорликка таъсирини баҳолаш
- Ўзбекистоннинг ташки савдо сиёсатидаги квота ва тариффларнинг иқтисодиёт тармоқларига таъсирини GTAP (Global Trade Analysis Project) модели ёрдамида баҳолаш
- Сунъий интеллект асосида саноат, ҳудудлар ҳамда корхоналар кесимида иқтисодий фаолликни кузатиб бориш имконини берувчи кўрсаткичлар тўпламини шакллантириш ва такомиллаштириш
- Электрон тўлов маълумотлари асосида уй хўжаликлари якуний истеъмолини наукастинг қилиш
- Ўзбекистонда инсон капитали рақобатбардошлигини баҳолаш
- Ўзбекистон иқтисодиётининг диверцификацияланганлик даражаси ҳамда хомашё экспортига қарамлик масалалари

Кириш	
Йўналиш	I
Йўналиш	II
Йўналиш	III
Йўналиш	IV
Йўналиш	V
Йўналиш	VI

III. Молиявий барқарорлик, макропруденциал сиёсат чораларини таҳлил қилиб бориш

3.1. Микромолиявий хизматлар кўлами ва бозор иштирокчилари кенгайиши шароитида молиявий барқарорликни таъминлаш

Хозирги микромолиявий хизматлар кўлами ва бозор иштирокчилари сони ортиши шароитида молиявий барқарорликни таъминлаш масаласи Марказий банк олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Бир томондан, микромолиявий хизматлар кўлами ва бозор иштирокчилари сони ортиши билан боғлиқ тенденциялар микромолия ташкилотлари фаолиятининг иқтисодий ва ижтимоий таъсирини ўрганиш, уларнинг молиявий барқарорликка таъсири ва хатарларини баҳолаб бориш заруратини юзага келтирса, иккинчи томондан рискларга асосланган назорат тизимларини, капитал етарлилиги ва ликвидлик талаблари каби регламентларни такомиллаштириб бориш орқали уларнинг барқарор ва шаффоф ишлашини таъминлаш бўйича зарур чоралар кўриб борилишини тақозо этади.

Бундан ташқари, хатарларни бошқариш стратегияларини ишлаб чиқиш ва уларни минималлаштиришга қаратилган баҳолашнинг янги усусларини ишлаб чиқиши, қарздорликни назорат қилиш механизмларини ва мониторинг тизимларини илғор таҳлиллар орқали такомиллаштириш талаб этилади.

Микромолия хизматлари фойдаланувчиларининг молиявий саводхонлигини ошириш ҳам долзарб масалалардан бири бўлиб, бунинг учун молиявий саводхонлик дастурларини ишлаб чиқиш, мижозларни қарз юкини бошқариш ва кредитлаш шартларини тушунишга ёрдам берувчи тренинг ва таълим модулларини ташкил этиш бўйича хорижий тажрибаларни ўрганиб бориш, ушбу йўналишда фундаментал эмпирик таҳлилларни амалга ошириш муҳим саналади.

Микромолия хизматларининг ижтимоий-иқтисодий таъсирини баҳолаш бўйича эмпирик тадқиқотлар олиб бориш орқали бу хизматларнинг иқтисодий ўсишни рафбатлантириш, бандликни ошириш натижасида камбағалликни камайтириш ва молиявий оммабопликни ривожлантиришдаги ўрни аниқ белгиланади. Ушбу йўналишда амалга оширилиши кўзда тутилган тадқиқот натижалари ҳамда уларда шакллантирилган хulosса ва таклифлар Марказий банк учун нафақат молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш, балки микромолия секторининг узоқ муддатли ва барқарор ривожланиши учун муҳим ҳисса қўшади.

3.2. Макропруденциал сиёсат натижасида юзага келиши мумкин бўлган рискларни баҳолаш

Глобал сиёсатдаги жорий тенденциялар натижасида молиявий барқарорлик билан боғлиқ трансмиллий рискларнинг авж олиб бораётгандиги, шунингдек, ўтган даврларда кузатилган глобал молиявий инқизорлар марказий банклар олдига макропруденциал сиёсатни такомиллаштириш вазифасини кўйди.

Жаҳон миқёсида банклараро ликвидлик оқимлари, тизимли аҳамиятга эга бўлган банкларнинг хавф даражасини баҳолаш ва хатарларни олдиндан аниқлаш бўйича ёндашувлар ва чора-тадбирлар кучайтирилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, банк тизимидағи турли рискларни аниқлаш ва уларнинг ўзаро таъсирини баҳолаш, хусусан макроиқтисодий рискларнинг банклар фаолиятига таъсирини чукур ўрганиш тадқиқотларнинг асосий йўналишларидан бири бўлиши лозимлигини тақозо этади.

Шу жумладан, Марказий банк илғор технологияларнинг банкларга кириб келиши билан рақамли банк хизматлари турлари ва кўлами кенгайиб бориши шароитида рақамли молия экотизими билан боғлиқ хавфларни аниқлаш ва бошқариш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш нуқтаи назаридан мазкур йўналишда тадқиқотлар олиб бориши зарур.

Тадқиқотларда пруденциал нормаларга оид кўрсаткичларни бошқариш, хатарли вазиятларда банкларнинг капитал ва ликвидлик талабларини мослашувчан тартибига солиш орқали молиявий барқарорликни сақлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

3.3. Аҳолининг қарз юки таҳлили

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда истеъмол, ипотека кредитлари ва автокредитлар ҳажмининг ошиши, шунингдек, насия савдо орқали аҳоли томонидан олинган қарздорликлар ҳажмининг ортиб бораётгандиги аҳолининг қарз юки билан боғлиқ рискларнинг вужудга келиши эҳтимолини оширмоқда.

Ушбу омиллар истеъмолни рағбатлантирувчи аҳамиятга эга бўлсада, бошқа томондан, ортиб бораётган қарз юки иқтисодий ўсишга ва аҳоли молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигидан келиб чиқиб, кредит рискини баҳолашда аҳолининг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мувозанатни таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, молиявий саводхонлик даражасини ошириш аҳоли томонидан масъулиятли қарз олишни таъминлашга хизмат қиласади.

Рақамли молиявий хизматларнинг ривожланиши ҳам аҳоли қарз юки таҳлилига янги мураккабликларни олиб кирмоқда. Онлайн кредитлашнинг кенгайиши, бир томондан, қарз олиш имкониятларини осонлаштируса, бошқа томондан, қарз юки билан боғлиқ хавфларни ошириши мумкин. Шу сабабли, рақамли хизматларнинг хавфларини аниқлаш ва уларни самарали бошқариш стратегиялари ишлаб чиқилишига зарурат пайдо бўлади.

Келгусида аҳоли қарз юкини таҳлил қилишда молиявий саводхонликни ошириш, пруденциал назорат воситаларини такомиллаштириш, рақамли хизматлар хавфини бошқариш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилиб, истеъмол, ипотека ва автокредитлар, насия савдо орқали олинган қарзларнинг умумий молиявий юкка таъсирини ҳисобга олиб, аҳолининг иқтисодий ҳатти-ҳаракатларига мослашган сиёsat чораларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот ишлари амалга оширилади.

Аҳоли қарз юки таҳлили молиявий барқарорликни таъминлашда алоҳида аҳамият касб этиб, ушбу йўналишда олиб бориладиган тадқиқотлар молиявий хатарларни камайтириш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга хизмат қиласди.

Ушбу бўлимда қўйидаги тадқиқот мавзулари қамраб олинади:

- ❑ Микромолиявий хизматлар ва бозор иштирокчиларининг ўсиши шароитида юзага келадиган рисклар таҳлили
- ❑ Банкларнинг тизимли рискларини аниқлаш ва ушбу рискларни камайтирувчи назорат механизмлари самарадорлиги таҳлили
- ❑ Кредитлар ҳажмини ошириб бориш бўйича макропруденциал сиёsatнинг реал секторга таъсири
- ❑ Банкларнинг кредит фоиз ставкаларига таъсир қилувчи омилларни банклар ўртасида сўровнома ўtkазиш орқали таҳлил қилиш
- ❑ Кичик бизнес субъектлари ўртасида молиявий саводхонлик даражасини сўровнома асосида баҳолаш
- ❑ Аҳоли қарз юкини оптималлаштиришда макропруденциал чоралар
- ❑ Рақамли молиявий хизматлар ривожланиши шароитида юзага келадиган рискларни бошқариш

IV. Глобал иқтисодиётдаги янги феноменлар (демографик ўзгаришлар, геосиёсий ҳолат ҳамда фрагментация жараёнлари) таъсирини баҳолаш

4.1. Глобал иқтисодий ва сиёсий, шунингдек, савдо сиёсатидаги ўзгаришларнинг мамлакат макроиқтисодий сиёсатига таъсири

Ҳозирги глобаллашув даврида иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар, шунингдек, савдо сиёсатидаги трансформациялар давлатларнинг макроиқтисодий сиёсатига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Ушбу жараёнлар мамлакат ички иқтисодий барқарорлиги, миллий молиятизимни ва ташқи савдо баланси учун муҳим омиллардан бирига айланган.

Глобал савдо ва сиёсий ўзгаришлар, халқаро савдода давлатлар ҳамкорларни қайта ўрганаётганлиги ва савдо ҳамкорлари таркибидаги ўзгаришлар мамлакатлар иқтисодиётига бевосита таъсир кўрсатади.

Бу ўзгаришларнинг миллий иқтисодиётга таъсирини таҳлил қилиш мақсадида мавзуга оид тенденцияларни чукур ўрганиш марказий банкларнинг тадқиқотлар йўналишлари учун долзарб аҳамият касб этади ҳамда мазкур ўзгаришлар таъсири таҳлили асосида мос стратегиялар ишлаб чиқишида ёрдам беради.

Глобал иқтисодий шароитлар, жумладан, халқаро молиявий оқимлар, алмашув курсларидағи ўзгаришлар ва савдо баланси динамикаси макроиқтисодий сиёсатга таъсир кўрсатишини таҳлил қилиб бориш орқали Марказий банк молиявий барқарорликни таъминлаш ва инфляцияни назорат қилиш чораларини оптималлаштириб боради.

Бундан ташқари, иқтисодий ва сиёсий мұхитнинг тез ўзгарувчанлиги шароитида марказий банклар потенциал хавфларни аниқлаб, уларни бошқариш бўйича самарали механизmlарни ишлаб чиқишида бу соҳадаги тадқиқотларнинг аҳамияти юқори саналади.

4.2. Меҳнат бозори таҳлили

Меҳнат бозори таҳлили кўплаб марказий банкларнинг тадқиқот йўналишларида акс этган бўлиб, иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва макроиқтисодий сиёсатни шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Меҳнат бозори иқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичларидан бири сифатида ишсизлик даражаси, бандлик, иш ҳақи ўсиши ва меҳнат үнумдорлиги каби омиллар орқали иқтисодий ўсиш ва барқарорликни белгилайди.

Ишчи кучи ҳаракати иш ҳақи инфляцияси ва корхоналар саамадорлигига сезиларли таъсир кўрсатади. Агар ишчи кучи мобиллиги юқори бўлса, корхоналар янги ходимларни ишга жалб қилиши осонлашади ва иш ҳақига босимни камайтиради. Бироқ, малакали ишчиларнинг бозорни тарк этиши ёки бошқа давлатга кўчиб кетиши иш ҳақининг ошишига ва натижада инфляцияга олиб келиши мумкин.

Шундан келиб чиқиб, глобал меҳнат бозорида миграция сиёсатининг ўзгариши, мигрантлар учун қўшимча чекловларнинг жорий қилиниши, меҳнат бозорида рақобатнинг ошиши, иқтисодий ҳолат ёмонлашиши оқибатида мигрантлар иш ҳақларининг пасайтирилиши каби омилларни мунтазам равишда таҳлил қилиб бориш муҳим ҳисобланади.

Шунингдек, меҳнат бозоридаги динамика ички талаб, истеъмол ва инвестиция даражаларига бевосита таъсир кўрсатишини инобатга олган ҳолда, монетар ва фискал сиёсат чоралари билан тартибга солинадиган меҳнат бозори кўрсаткичларини ўрганиб бориш самарали сиёсат стратегияларини ишлаб чиқишига имкон беради.

Автоматлаштириш ва рақамли технологияларнинг ривожланиши иш ўринлари сонига ва бандликка сезиларли таъсир кўрсатиб, меҳнат ресурсларини бошқаришни талаб қиласди. Ушбу йўналишларда олиб бориладиган тадқиқотлар мазкур ўзгаришларни олдиндан баҳолаш ва уларга мослашувчан миллий сиёсатни шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

4.3. Глобал иқлим ўзгариши шароитида иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш шартлари

Глобал иқлим ўзгариши ҳозирги даврнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, бу жараён иқтисодиётга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Иқлим ўзгаришининг салбий таъсирларини минималлаштириш ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш учун мослашувчан стратегияларни ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Иқлим ўзгариши натижасида юзага келадиган экологик муаммолар иқтисодий фаолиятнинг турли соҳаларига таъсир кўрсатмоқда. Масалан, қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлигининг пасайиши, сув ресурсларининг етишмовчилиги ва инфратузилма зарар кўриши иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини хавф остига қўймоқда.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш учун экологик жиҳатдан барқарор технологияларни жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш ва яшил инвестицияларни рағбатлантириш зарур.

Хозирда хорижий марказий банклар иқлим ўзгаришига мослашиш ва барқарор ривожланишни таъминлаш учун янги технологик ечимларни ўрганмоқда. Бунда, иқлим ўзгаришларининг инфляцияга салбий таъсири, ресурсларнинг нархи ва тақсимотидаги ўзгаришлар, шунингдек яшил молиялаштиришни ривожлантириш йўлларини аниқлаш борасидаги ишлар мухим аҳамият касб этмоқда.

Иқлим ўзгариши шароитида иқтисодий ўсишни рағбатлантириб бориш мақсадида молиявий тизимни мослаштириш, хусусан банклар ва бошқа молиявий институтлар томонидан яшил молиялаштириш механизмларини ривожлантириш, яшил иқтисодиёт лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун маҳсус кредит линиялари ва сұғурта дастурларини жорий этиш, шу билан бирга, корхоналарнинг экологик талаблар ва стандартларга мувофиқлигини таъминлаш учун регулятив сиёsatни такомиллаштириш борасидаги тадқиқотлар зарур ҳисобланади.

Ушбу бўлимда қўйидаги тадқиқот мавзулари қамраб олинади:

- ❑ Ўзбекистон иқтисодиёти учун қурилган Динамик стохастик умумий мувозанат моделини (DSGE) меҳнат бозори таҳлили билан кенгайтириш
- ❑ Глобал савдо сиёsatидаги ўзгаришлар миллий иқтисодиётга таъсирини GTAP (Global Trade Analysis Project) модели ёрдамида баҳолаш
- ❑ Технологик тараққиёт ва глобал демографик ўзгаришларнинг меҳнат бозорининг таркиби, ишчи кучи талаб ва таклифига таъсири
- ❑ Иқлим ўзгариши, яшил энергия манбаларидан фойдаланиш шароитида амалга ошириладиган мослашувчан молиявий ва иқтисодий чоралар таҳлили
- ❑ Глобал миграция сиёsatидаги ўзгаришларни таҳлил қилиб бориш орқали унинг Ўзбекистон иқтисодиётига потенциал таъсирини баҳолаш
- ❑ Ишчи кучи ҳаракатининг иш ҳаққи инфляцияси ва корхоналар самарадорлигига таъсири
- ❑ Ташқи таклиф шокларининг инфляцияга таъсирини баҳолаш

V. Тўлов тизимлари иштирокчилари ҳамда янги хизмат турларининг кенгайиб бораётганлиги шароитида тизим барқорор ишлашини таъминлаш

5.1. Тўлов тизимлари ривожланиши ва рақамли банк хизматларининг кенгайиши шароитида молиявий барқарорликни таъминлаш

Жаҳон миқёсида молия бозори янги бизнес моделлари ва рақамли технологияларнинг пайдо бўлиши билан таркибий ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Рақамли банк хизматлари замонавий молия тизимида муҳим ўрин эгаллаб, мижозларга қулай ва тезкор молиявий хизматлар кўрсатишда инқилобий ўзгаришларни олиб келмоқда. Ушбу хизматлар нафақат мижозларнинг молиявий хизматлар билан қамраб олинганлик даражасининг ортишига, балки банкларнинг операцион самарадорлигини ва молиявий саводхонликни оширишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Рақамли банк хизматлари мижозларга исталган вақтда ва исталган жойда хизматлардан фойдаланиш имкониятини тақдим этади, хусусан, интернет ва мобил қурилмалар ёрдамида банк ҳисобларини бошқариш, тўловларни амалга ошириш ва кредитлар олиш жараёнлари соддалаштирилган. Бу, айниқса, чекка ҳудудларда яшовчи аҳоли учун молиявий хизматлар билан қамраб олинганлик даражасини сезиларли даражада осонлаштиради.

Шунингдек, рақамли банк хизматлари сунъий интеллект ва машинали ўқитиш технологияларини қўллаш орқали мижозларга индивидуал ёндашувни таъминлайди. Масалан, сунъий интеллект асосидаги чат-ботлар мижозларга тезкор маслаҳатлар бериш ва техник ёрдам кўрсатишда самарали ҳисобланади. Бундан ташқари, катта маълумотлар (Big Data) таҳлили орқали мижозларнинг эҳтиёжлари ва молиявий ҳатти-ҳаракатларини чуқурроқ таҳлил қилиш имконияти яратилади.

Рақамли банк хизматларининг юқорида келтирилган афзалликларига қарамасдан, улар билан боғлиқ киберхатарлар каби қатор таҳдидлар ҳам мавжуд. Киберҳужумлар, маълумотларни бузуб кириш ва шахсий маълумотларни ўғирлаш каби хавфлар мижозларнинг банк тизимига бўлган ишончини пасайтириши, тўлов тизимлари ва молиявий бозорларда нобарқарорлик муҳитини яратиши мумкин.

Кириш

Йўналиш	I
Йўналиш	II
Йўналиш	III
Йўналиш	IV
Йўналиш	V
Йўналиш	VI

Шу сабабли, замонавий хавфсизлик чораларини жорий этиш, тўлов тизимлари барқарор ва узлуксиз ишлашини таъминлаш ва мижозларни киберхавфсизлик бўйича хабардор қилиш мухимлигидан келиб чиқиб ушбу жараёнларни тадқиқотлар асосида доимий ўрганиб бориш мухим саналади.

5.2. Янги технологиялар кириб келиши билан рақамли пулларнинг ривожланиб бориши фонида юзага келиши мумкин бўлган хатарлар таҳлили

Глобал тенденциялар, хусусан, ахборот технологиялар ва рақамли пулларнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар марказий банклар учун янги масалаларни келтириб чиқармоқда.

Ушбу тенденциялар марказий банклар томонидан тартибга солиш бўйича қарорлар қабул қилишни талаб қилмоқда. Янги рақамли технологиялар, хусусан, марказий банкларнинг рақамли валюталари халқаро транзакциялар учун янада ривожланган ва қулайроқ тўлов воситалари ва тизимларини яратиш имкониятларини очиб берди.

Мазкур рақамли технологияларнинг жорий қилиниши банк сектори, монетар сиёsat ва макропруденциал сиёsat учун таъсиirlарни таҳлил қилиш мухимлигини кўрсатмоқда. Халқаро ҳисоб-китобларда мазкур технологиялардан фойдаланиш капитал оқимлари динамикасига ва иқтисодиётнинг долларлашуви жараёнига ҳам таъсир кўrsatiши мумкинлиги таъкидланади.

Шунингдек, бу каби янги технологияларнинг кириб келиши шароитида пулнинг функциялари ўзгариб бормоқда. Бунда, криптовалюталар, марказий банкнинг рақамли валюталари каби воситаларнинг тез суръатларда ўсиб бораётганлиги уларнинг молиявий тизимдаги ўрни, ривожланиш истиқболлари ва монетар сиёsat, молиявий барқарорлик ва тўлов тизимлари учун юзага келиши мумкин бўлган янги хатарлар ва таъсиirlарни ўрганиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Шу билан бирга, рақамли валюталар ва бошқа инновацион ечимларнинг жорий этилиши улар устидан назоратни янада мураккаблаштиришини инобатга олган ҳолда, ушбу жараёнларнинг таъсирини таҳлил ва тадқиқотлар орқали баҳолаб бориш ва зарур чоратадбирларни ишлаб чиқиш Марказий банкнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

5.3. Тўлов тизимлари фойдаланувчиларининг киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича Марказий банк олдида турган асосий масалалар

Ҳозирги рақамли иқтисодиёт шароитида тўлов тизимларининг кенгайиши ва ривожланиши, бир томондан, улардан фойдаланувчилар учун қулагиларни ошириб, молиявий хизматларга киришни кенгайтираётган бўлса, иккинчи томондан, киберхавфсизлик масалалари мазкур тизимларнинг самарадорлиги ва ишончлилигини таъминлашда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Тўлов тизимларида фойдаланувчилар шахсий маълумотлари, банк ҳисобвараглари ва транзакциялар ҳақидаги маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ўз навбатида, замонавий криптографик технологияларни жорий этиш, икки босқичли аутентификация ва бошқа хавфсизлик чораларини кучайтириб боришни тақозо этмоқда.

Бунда, тўлов тизимларини реал вақт режимида кузатиш, таҳдидларни олдиндан аниқлаш ва зарур чора-тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган хавфсизлик тизимларини ишлаб чиқиша ушбу соҳага оид тадқиқотлар ўtkазилиши мұхим ҳисобланади. Мазкур йўналишда олиб бориладиган тадқиқотлар асосида шакллантириладиган тавсиялар ва амалга оширилиши лозим бўлган чораларда тўлов тизимлари фойдаланувчиларининг киберхавфсизлик борасидаги билим ва малакаларини ошириш, уларга фирибгарлик схемалари ва хавфхатарлардан ҳимояланиш масалалари ҳам инобатга олинади.

Ушбу бўлимда қўйидаги тадқиқот мавзулари қамраб олинади:

- Рақамли банк хизматлари ва тўлов тизимлари кенгайишининг иқтисодий ва молиявий хавфсизликка таъсири
- Марказий банк рақамли пулларининг монетар сиёсатнинг трансмиссион каналларига таъсири
- Блокчейн технологияларининг тўлов тизимларига таъсири
- Марказий банкнинг киберхавфсизликни таъминлаш учун технологик ва тартибга солувчи чоралари таҳлили
- Молиявий технологиялар ва тўлов тизимларидағи инновацияларнинг молиявий оммабопликка таъсири
- Истеъмолчиларнинг рақамли молиявий фирибгарликка таъсирчанлигини ўрганиш
- Аҳолининг банк билан қамровини таҳлил қилиш, унинг аҳоли харажатлари, жамғарма ва инвестицияларига таъсири
- Рақамли тўлов тизимларининг қамрови ва корхоналарнинг молиявий шаффоғлигига боғлиқлиги таҳлили

Кириш	
Йўналиш	I
Йўналиш	II
Йўналиш	III
Йўналиш	IV
Йўналиш	V
Йўналиш	VI

VI. Микро даражадаги маълумотлар асосида иқтисодиётда молиялаштиришга бўлган талаб ва таклифни таҳлил қилиш

6.1. Уй хўжаликлари ва корхоналарнинг кредит олишга бўлган имкониятлари, корхоналарнинг ўсишига, яратилишига таъсирини таҳлил қилиш

Кредит ресурслари бир томондан, тадбиркорлик субъектлари учун ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги корхоналарни ташкил этиш ва технологик модернизацияни амалга оширишда асосий молиявий манба бўлиб хизмат қилса, иккинчи томондан, молиявий ресурсларнинг мавжудлиги аҳоли даромадлари ва инвестиция жараёнларига ижобий таъсир кўрсатиб, иқтисодий ўсишни рафбатлантиради.

Кредит олиш имкониятлари банклар ва нобанд кредит ташкилотлари томонидан белгиланган шартлар, фоиз ставкалари, кафолат механизмлари ҳамда давлат томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсатига боғлиқ бўлиб, бу жараёнларда кредит ресурсларига етарли даражада эга бўлмаслик тадбиркорларнинг ривожланишига тўсик бўлиши ва аҳолининг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шунингдек, молиялаштириш имкониятларининг кенгайиши янги иш ўринлари яратилиши, аҳоли харид қобилиятининг ошиши ва инвестицион фаолликнинг кучайишига хизмат қиласди.

Шу нуқтаи назардан, иқтисодий ўсиш ва молиявий барқарорликни таъминлаш орқали аҳоли фаровонлигига эришиш мақсадида уй хўжаликлари ва корхоналарнинг кредит олишга бўлган имкониятларини такомиллаштириш ҳамда кредитлаш механизмининг ижтимоий-иқтисодий таъсирини чуқурроқ ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилиши мухим саналади.

Мазкур тадқиқотлар микро даражада ўтказилиши мухим бўлиб, ўз ўрнида, микро маълумотлар уй хўжаликлари ва бизнеснинг пул-кредит сиёсатига, инфляцияга ва молиявий зарбаларга қандай жавоб беришини аниқроқ ўрганиш имконини беради. Агрегацияланган маълумотлар таҳлили иқтисодий сиёсатдаги ўзгаришлар таъсирини чуқурроқ тушунишни қийинлаштирса, аксинча, микро даражадаги маълумотлар ушбу ўзгаришларнинг ҳар бир иқтисодиёт субъектларига қай даражада таъсир қилишини аниқроқ кўрсатиб беради.

Таъкидлаш жоизки, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришнинг етарли даражада бўлмаслиги яширин иқтисодиётнинг ривожланишига ҳам таъсир этиши мумкин.

Яширин иқтисодиёт иқтисодий ривожланишга салбий таъсир этувчи асосий омиллардан бўлиб, солиқ тушумлари камайиши ҳисобига давлат бюджетида йўқотишлар, расмий секторда иш ўринларининг камайиши ва иқтисодий шаффоффликнинг заифлашишига сабаб бўлади.

Бу муаммони бартараф этишда банк кредитлари ва бошқа расмий молиялаштириш манбалари мұхим ўрин тутиб, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолини расмий молиявий тизимдан фойдаланишга ундаш орқали яширин иқтисодиёт улушкини сезиларли камайтириши мүмкин.

Бундан ташқари, бизнес ривожланиши учун расмий молиявий ресурсларни тақдим этиш, кафолатланган тизимларни жорий қилиш, рақамли банк хизматларини ривожлантириш ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун енгиллаштирилган солиқ режимларини таклиф қилиш яширин иқтисодиётни қисқартиришга ёрдам беради.

6.2. Кредит ташкилотларида кредит скоринги тизими таҳлили

Кредит скоринги тизими кредит ташкилотларига қарор қабул қилиш жараёнини тезлаштириш, қарз олувчилар учун тезкор ва адолатли кредит баҳолаш имкониятини яратиш, таваккалчиликларни камайтириш, молиявий шаффоффликни ошириш ва қарз бериш амалиётларини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Молиявий барқарорлик ва хавфларни бошқариш нуқтаи назаридан кредит скоринги тизимларининг самарадорлигини баҳолаш мұхим аҳамиятга эга бўлиб, кредит ташкилотлари томонидан таваккалчиликни баҳолашдаги хатолар банк секторининг умумий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши мүмкин.

Марказий банк ушбу йўналишдаги тадқиқотлари билан кредит ташкилотларидаги скоринг моделларининг қанчалик ишончли ва самарали эканлигини таҳлил қилиш орқали молиявий хавфларни бошқариш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши мүмкин.

Анъанавий кредит скоринг моделлари молиявий тарихи йўқ ёки маълумотлари чекланган шахсларни кредитлашда муаммоларга дуч келади. Шу сабабли, скоринг моделларининг самарадорлигини баҳолаш, шунингдек, рақамли технологиялар асосида кредит бериш имкониятларини кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мүхим.

Кредитлашнинг иқтисодиётга таъсирини таҳлил қилиш мақсадида скоринг баҳолаш механизмларининг тадбиркорликни ривожлантиришга, инвестициялар ҳажмига ва аҳоли харид қобилиятига қандай таъсир ўтказишини таҳлил қилиш Марказий банкнинг макроиктисодий сиёсатини такомиллаштиришда ёрдам беради.

Кириш	
Йўналиш	I
Йўналиш	II
Йўналиш	III
Йўналиш	IV
Йўналиш	V
Йўналиш	VI

Умуман олганда, Марказий банк кредит скорингининг хавф ва самарадорлигини чўқурроқ ўрганиш, кредит ташкилотлари учун тавсиялар ишлаб чиқиш ва кредит бозорини барқарорлаштириш мақсадида регулятор функцияларини кучайтириш учун тадқиқотлар ўтказиши зарур.

Тадқиқот натижалари кредит тизимининг шаффоғлигини ошириш, банк ва молиявий институтлар ўртасида стандартлаштирилган ёндашувларни жорий этиш ва аҳоли ҳамда тадбиркорлар учун кредит олиш имкониятларини яхшилашга хизмат қиласди.

Ушбу бўлимда қўйидаги тадқиқот мавзулари қамраб олинади:

- Иқтисодиётдаги жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектларинининг хулқ-атвори таҳлили
- Кредит олиш имконияти чекланганлигининг иқтисодий ўсишга таъсири
- Хуфиёна иқтисодиётда, банк тизимидан ташқари аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиялаштиришга бўлган эҳтиёжи, капиталнинг мавжудлиги ва капиталга тўсиқлари таҳлили
- Хуфиёна иқтисодиётни қисқартиришга қаратилган мавжуд бўлган ва/ёки янги чоралар қанчалик тадбиркорлик субъектларини янада ўсишга, фаолиятини, ҳисботларини шаффоғлашишига ва натижада уларда молиялаштиришга бўлган имкониятига таъсири таҳлили
- Кредит ташкилотлари томонидан ажратиладиган ноанъанавий кредитларга бўлган талаб ва таклиф (шу жумладан, қарз юки, кредит бериш жараёнига таъсир қиладиган маълумотлар ва омиллар) таҳлили
- Кредит ташкилотлари олиб борадиган турли баҳолашлар (due diligence) жараёнида инобатга олинаётган ёки олиниши мумкин бўлган ноанъанавий маълумотларнинг қарор қабул қилиш ва дефолт даражасига таъсири таҳлили
- Жорий кредит скоринг тизимининг қарздорларнинг дефолт даражасини, кредитни қайтармаслик хатарларини қанчалик тушунириши томондан таҳлили

Кириш	
Йўналиш	I
Йўналиш	II
Йўналиш	III
Йўналиш	IV
Йўналиш	V
Йўналиш	VI



Статистика ва тадқиқотлар департаменти томонидан тайёрланди.
Таклифлар ва ҳамкорлик бўйича мурожаатлар учун:

E-mail: sturginboev@cbu.uz
Тел: +998-71-212-60-09